# Энг яхши инспектор

*"Энг яхши милиция таянч пункти ва профилактика инспектори" кўрик-танловининг Тошкент вилоят босқичи якунланди.*

Вилоят ички ишлар бошқармаси ўтказган мазкур кўрик-танловда Бўка тумани Йўлдош Ҳожиметов номидаги хўжалик худудида фаолият кўрсатаётган 94-милиция таянч пункти ҳамда унинг профилактика инспектори, милиция катта лейтенанти Дилмурод Уккибоев ғолибликни қўлга киритди ва танловнинг республика босқичига йўлланма олди.

— Мазкур таянч пункти энг яхши деб топилиши бежиз эмас, — дейди вилоят ички ишлар бошқармаси ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, милиция майори Ш.Тошмуҳаммедов. — Етти мингга яқин аҳолига хизмат кўрсатувчи бу маскан замонавий усулда барпо этилган. Пункт қошида маҳалла гузари фаолият кўрсатмоқда. Маънавият ва маърифат хонаси, футбол ва теннис майдончалари, автошаҳарча, шахмат-шашка клуби ёшлар бўш вақтларини қизиқарли ўтказишларида қўл келмоқда.

Профилактика инспектори маҳалла оқсоқоли, посбонлар, хотин-қизлар қўмитаси, шунингдек, тарбиячи педагог билан бирга худудда ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, ёшлар ва тарбияси оғир болалар билан ишлаш, нотинч оилаларни муросага келтириш, маҳалла тинчлиги ва осойишталигини сақлашда яхши натижаларга эришмоқда.

Вилоятнинг шаҳар ва туманларида бугун 314 та ана шундай милиция таянч пункти ташкил этилган бўлиб, уларда 501 нафар профилактика инспектори фаолият кўрсатмоқда. Таянч пунктларининг 226 таси талабга тўла жавоб беради. Қолганларини таъмирлаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ишлари давом этмоқда.

**Н. ДУШАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

Санъатга бахшида умр

# Ёрқинойнинг ёрқин йўллари



Куз аввалида мен уни тасодифан метрода учратиб қолдим. Одам қиёфасида фақат қорачиқлар ўзгармайди, деганлари рост экан. Уни кўзларидан танидим.

Қисқагина суҳбатимиз анча мароқли ўтди.

— Ҳар йили шогирдларим билан мустақиллик байрами тантаналарида иштирок этаман, — деди у хайрлашиш олдидан. Ҳаётимдан жудаям мамнунман. Эсингиздами, Анваржон, мана бу сурат олинганида Ҳалима опам: "Қирқ йилдан кейин ҳам ёруғ юз билан учрашиш насиб қилсин,"-деб айтгандилар. Шунга ҳам қарийб қирқ йил бўлибди. Худога шукур, ҳаммамизнинг юзимиз ёруғ. Опани зиёрат қилмоқчиман,мазалари йўқ дейишди. Фарғонага ўтсангиз, албатта киринг. Кузги беҳилар ҳил-ҳил пишаяпти. Девзирадан беҳили палов қилиб бераман.

У менинг кўзимга қирқ йил илгариги Ёрқинойдек кўринди...

Фарғона вилоят драма театри ўз тарихи давомида меҳнати, изланиши, лаёқати эвазига Ҳотамовлар сулоласига узоқ йиллар бағридан жой бериб, ҳотамтойлик қилди десак, оширмаймиз. Бу даргоҳда актёр Ғанижон Ҳотамов 40 йил, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Қаноатхон Ҳотамова 45 йил, уларнинг қизлари Ёрқиной Ҳотамованинг қарийб 38 йил давомида меҳнатлари сингди, сингмоқда.

Ёрқиной ўсмирлик davриданоқ болалар образларини ўйнаб улғайди. Жозибали овози борлигини сезган театр раҳбарлари унга пойтахтга — театр ва рассомчилик институтига бориб таҳсил олишини маслаҳат беришади. Унинг ўзида ҳам шундай ният бор эди. Пойтахтдаги таълим йиллари унга бир умрга татигулик сабоқ, билим, таассурот берди. Лекин энг катта таълимни ҳаётнинг ўзи бераркан. Айтишадику "Ҳаётдан олмаса ҳеч киши таълим, унга ўргатолмас ҳеч бир муаллим".

Уни Қирғизистоннинг Ўш шаҳридаги Бобур номли театр маъмурияти ишга таклиф қилганида, у аввалига розилик бермади. Яхшилаб ўйлаб қараса, тақдир уни ўзи етаклаяпти. Жамоа ёмон эмас. Қаерда бўлмасин, истеъдодини намоён этиш инсоннинг ўзига боғлиқ. У янглишмаган эди.

Бу даргоҳдаги 11 йиллик ижод фаолияти давомида "Отелло" спектаклида Дездемона, "Тоҳир ва Зуҳра"да Зуҳра, "Момо ер " да Алиман, "Нурхон"да Нурхон, "Лайли ва Мажнун"да Лайли, "Фарҳод ва Ширин" спектаклида Ширин ролларини ўзига хос талқинда ижро этди, минг-минглаб мухлислар орттирди. 26 ёшида "Қирғизистонда хизмат кўрсатган артист" унвонига сазовор бўлди.

Ўзининг қадрдон жамоаси Фарғона вилоят драма театрига қайтганида, унда етук санъаткорга хос хусусиятлар кўрина бошлаган эди. Ҳам рол,ҳам қўшиқ ижросини уйғунликда намойиш этиш, ижрода самимийлик ва оддийлик, томошабин кўнглини ойнадагидай кўра олиш хусусиятлари шаклланган эди. Шунингдек, пойтахтнинг катта саҳналарида 20 дан ортиқ миллат қўшиқларини куйлади. Ойнаи жаҳонда айтган меҳр-муҳаббат, бахт тўғрисидаги лирик қўшиқлари уни ўз даврининг хушовоз хонандалари Ҳабиба Охунова, Коммуна Исмоиловалар қаторида элга танитди. Ҳалиям қарияларимиз яхши эслайди, бу хонанда қўшиқ бошласа, овозидаги бетакрор жозиба, ажиб оҳанг, майинлик қоришиб, тингловчи диққатини беихтиёр ўзига тортарди. Тинимсиз изланишлари туфайли у 1991 йили "Ўзбекистон халқ артисти" унвонига эга бўлди.

Кечагина ёшини ийманиб, 16 деб айтган қиз бугун жамоадаги ёшларга устоз, 61 ёшда. Лекин ҳали бақувват. Икки ўғли, турмуш ўртоғи, жамоадаги ҳурмати — хуллас бахтли қисмат уни бақувват тутса керак. "Кўнгил поклигида,атрофингдагилар билан рози-ризоликда яшамоқликда хосият кўп. — дейди у. — Одам ҳеч қачон ношукур бўлмаслиги керак. Сен ҳаётни қандай қаршиласанг, ҳаёт сенга ҳам шундай туҳфалар билан рўпара келади. Тақдирдан норизолик қилаверсанг, ўзинг томон келаётган яхшиликларнинг олдини беихтиёр тўсиб қўясан. Хуллас, йўлларимизнинг қандай бўлиши осон ўзимизга боғлиқ..."

**Анвар ИНОҚОВ,**
**санъатшунос.**

Янги китоб




# «Муҳаббат юрти»

Тупроғининг гардидан тортиб, улкан денгизигача кўнглида чексиз меҳр жўш урган ижодкор учун шундай юрт бор. Қорақалпоғистонлик шоира Гулистон Матёқубованинг яқинда чоп этилган китоби билан танишсангиз, бунга амин бўласиз. «Ҳаяжоннинг етти ранги»,«Ойдин остона»,«Севиб қолсин», «Бахт келтирган баҳор» сингари назмий китоблари орқали муаллиф ҳис-туйғулари билан ошно бўлиб улгурган мухлислар унинг янги китобида публицистик чиқишларини, очерк ва ҳикояларини ўқийди.

Уларни ўқиётиб, халқи тафаккурига сингаётган буюклик шоира дунёсида қандай эврилишлар қилаётганини англайсиз. «Жайҳун ёқасида ўсган туби бир, шохаси минг бойтерак»нинг бақувват ришталарини ҳис қиласиз. Адиба қорақалпоқ халқининг неча минг йиллик табиатига сингиб кетган ноёб қадриятларини ҳикоя ва новеллаларига кўчирмоқчи бўлади. Бу борадаги саъй-ҳаракатлари назмий асарлари даражасидан устун бўлмаса-да, уларда ҳаётнинг қайси бир қирралари ялт этиб кўриниш бергандай бўлади. Шунинг ўзи ҳам ижодкор уринишларини оқлайди.

«Тўкилиш» деб номланган ҳикматлар бобида муаллиф ҳам руҳиятшунос, ҳам файласуфга хос фикрларию кузатишларини қоғозга тўкади. «Бир майсада минг олам ҳайрати бор, — дейди у,— Умримни уч таянч тутиб турибди: Азиз Дўстим, Қаламим ва Қоғоз».

Тасаввуф билимдони «Жалолиддин Румийнинг «Ичингдаги ичингдадир» рисоласидан олган таассуротларини ўз мулоҳазалари билан қиёслаб, таҳлил этади. Ўқувчини таянаётган Дўсти билиб, кўнглидаги,баъзида турмушидаги энг ноёб сир-синоатларини ошкор қилади. Мақсад, китобхон билан деворларсиз, очиқчасига дардлашиш. Муаллиф дардлари аллақандай ўткинчи, майда эмас. Муҳими, уларни кўнглингизга сездирмасдан олиб киради. Сизга меҳру муҳаббатдан бетакрор сабоқ бергандай бўлади.

**Мамлакат НОРМУРОДОВА.**



# Йиғарбек

Ҳажвия

Мен хонасига кирганимда, оғайним Нодир олдига газетани ёзиб олганча, оғзидан сигарет тутунини халқа қилиб чиқаришга уринарди. У мени кўриб ўрнидан турди.

— Э, кел, кел, — деди кўришишга қўл чўзиб. — Боягина кўнглимдан ўтувдинг-а!

— Қалай, соғлиқлар яхшими? Бел оғриғинг қўйиб юбордими? — сўрадим мен у кўрсатган жойга ўтирарканман. — Ишдан барвақтроқ чиқувдим, бир кириб ўтай дедим.

— Ҳа, яхши. Мана ўтирибман, хотиржам... Ҳей, мана бу анекдотни эшит. Зўр экан. Эшит. Домла талабадан ҳомиладорлик белгиларини сўрайди. — «Ҳомиладорлик белгилари шундан иборатки, сочлар тўкилади, қорин катталашади, оёқлар қийшаяди...» — деди талаба. Домланинг жаҳли чиқди ва деди: — «Мана, менинг сочларим тўкилганми, қорним каттами, оёқларим қийшиқми? Демак, мен қачон туғсам, ўшанда имтиҳонни топширган бўласиз!».

Икковимиз шарақлаб кулдик. Кейин Янги йилни қаерда кутиб олишни келишдик. Бир пайт хонага худди бояги латифада айтилган домлага қуйиб қўйгандай ўхшаш одам кирди. У мен билан кўришди ва ўтирмай Нодирга юзланди:

— Хўш, қандай дараклар бор?

— Ҳозиргина Балиқбой телефон қилди, — дея жавоб берди Нодир ўрнидан чала туриб. — Самолёт ушланиб қолибди, ҳаво ёмон экан. Кечгача етиб келар.

Кирган одам Нодирнинг директори эди. У афтини буриштириб бармоқлари билан столни тиқиллатди.

— Қовун-тарвузбой-чи? Йўлда ёрилиб кетмадимикин, ишқилиб? — сўради у.

— Ҳали билмадим. Уники яқин жойда-ку, келади... Девзирақул йўлга чиқибди, — деди Нодир.

— Меҳмонхонада жойлари аниқми?

— Ҳа, тўғрилаб қўйганмиз. Олмахон келиб эрталаб жойлашди. Институтдаги ўғлини кўргани кетди.

— Шўрданакали нима дейди? — Директор қиқирлаб, пишиллаб кулди.

— Шўрданакали ҳам келган. Ҳозир опасиникида. Халтаси катта, шўри чангиб ётибди.

Мен ҳайрон, уларнинг оғзига тикилиб ўтирибман. Директор хонани одимлаб бир айланди. Сўнг Нодирнинг тепасига келиб тўхтади ва:

— Узоғи Тандирбой билан Қоракўлжонники, — деди белини силаркан.

— Лекин худди ўшалар кечикмайди. Яқиндагилардан олдин келади. Яқиндагилар қайтага охирида судралиб юради. Арақ-коньякбекка уч марта телефон қилдим. Жойида йўқ, ярамас.

— «Учиб» қолмадимикин, ишқилиб?

— Йўғ-е, фил «учса» «учади»ки, Арақ-коньякбойга жин ҳам урмайди.

— Ўрикали Ёнғоқовга ҳам телефон қил. Перевални қор босмаганмикин? — Директор деразадан ташқарига тикилиб ҳавони текширди. — Лекин ҳаво очиқ.

— Э, ҳозир қор ёғса ҳам йўл ёпилмайди, — деди Нодир. — Ҳозир аввалги йўллар эмас.

Директор қатъий тайинлади:

— Эртагача ҳаммаси тахт бўлсин. — У алпонг-талпонг қадам ташлаб чиқиб кетди.

Мен телефон гўшагини кўтараётган Нодирга дедим:

— Гапларинг қизиқ-ку. Худди шпионларнинг шифрига ўхшайди ёки шунақа исм-фамилиялар борми? Арақ-коньякбек, Девзирақул, Ўрикали Ёнғоқовми-ей...

Нодир қорнини ушлаб кулди:

— Э, бу отларни ўзимиз қўйиб олганмиз. Девзирақул — Андижондаги бўлимимиз бошлиғи, Ўрикали Ёнғоқов — Фарғонаники, Арақ-коньякбек — Тошкент, Тандир — Қашқадарё, Балиқбой — Қорақалпоғистон... Бошқалариники ҳам шунга ўхшаш. Ҳар байрам ё хўжайиннинг туғилган кунидан бир-икки кун олдин мажлис чақирамиз. Бояги исмларни вилоятлардаги бўлим бошлиқларимиз олиб келадиган нарсасига қараб қўйганмиз. Етиб бордими?

— Етди, тушунарли, — дедим мен. — Унда ўзларингга ҳам исм қўйинглар.

— Нима деб?

— Ҳм, масалан, ўзингга «Дастурхонқул», директорингга «Йиғарбек» деб.

Икковимиз мириқиб кулдик.

**Ориф ФАРМОН.**

# Машҳур кишилар ҳаётидан

***Сомерсет Моэм 88 ёшида оғир касалликка чалиниб, узоқ вақт ётиб қолди. Дўхтирлар унинг ёнига киришни ҳам таъқиқлаб қўйдилар. Шунда унинг ихлосманди бўлмиш бир аёл телефон қилиб, сўради:***

***— Жаноб Моэм, ҳеч бўлмаса сизга апельсин ва гул жўнатишимга рухсат беришар.***

***— Апельсинни қанча хоҳласангиз жўнатаверинг, — деди кулимсираб ёзувчи. — аммо гул жўнатишга ҳали эртароқми дейман.***

* * *

***Машҳур немис физиги Вильгельм Конрад Рентген бир куни қизиқ хат олди. Хат муаллифи шундай деб ёзган эди:***

***— Жаноб Рентген, илтимос менга рентген нуридан бир қутига солиб юборсангиз. Кўкрак қафасимда ўқ қолганга ўхшайди, шуни текшириб кўрмоқчиман.***

***Рентген унга шундай жавоб ёзди:***

***— Аксига олиб нурларим тугаб қолган эди. Икки кун ичида яна ишлаб чиқараман. Вақтни бой бермай десангиз, зудлик билан менга кўкрак қафасингизни жўнатинг.***

* * *

***Шаляпин ўз касбдошлари тўғрисида, гарчи улар истеъдодсиз бўлсалар ҳам, ёмон сўз айтмас эди. Бир куни ундан бир ашулачи ҳақида ўз фикрини сўрашди.***

***— У киши катта истеъдод эгаси, — деди Шаляпин. Масалан, ўзи ашула айтади, ўзи тинглайди.***

* * *

***Ёзувчи Мориц Сапир адабиётчи билан баҳслашиб қолди.***

***— Сиз фақат пул учун ёзасиз, жаноб Сапир, — деб заҳарханда қилди у. — Мен эса шуҳрат учун...***

***— Қаранг-а, — деди Сапир, — қандай ажойиб ўхшашлик. Икковимиз ҳам ўзимизда йўқ нарса учун ёзарканмиз.***


# ТОШКЕНТ ШАҲАР МУНИЦИПАЛ БИРЖА МАРКАЗИДА



ТОШКЕНТ ШАҲАР КОММУНАЛ
БОШҚАРМАЛАРИ БАЛАНСИДА БЎЛГАН
МУНИЦИПАЛ МУЛК ОБЪЕКТЛАРИ БИРЖА САВДОЛАРИ ОРҚАЛИ

СОТИЛМОҚДА.

| № т/р | Объект манзили | Фойдали майдони, кв.м. | Бошланғич нархи, сўм |
|---|---|---|---|
| 1. | Акмал Икромов тумани, Раҳимбобоев кўчаси, 4-«Б» уй | 381,2 | 8993286 |
| 2. | Акмал Икромов тумани, Раҳимбобоев кўчаси, 36-уй | 240 | 8053216 |
| 3. | Акмал Икромов тумани, Г-9а мавзе, 20-уй | 184 | 6868010 |
| 4. | Миробод тумани, Фитрат кўчаси, 83-уй | 87 | 5974812 |
| 5. | «Олой» бозори, асосий бинонинг 1-қаватидаги фойе қисми | 185 | 74000000 |
| 6. | «Олой» бозори, асосий бинонинг 1-қаватидаги фойе қисми | 185 | 74000000 |
| 7. | «Олой» бозори, асосий бинонинг 1-қаватидаги фойе қисми | 185 | 74000000 |
| 8. | «Олой» бозори, асосий бинонинг 1-қаватидаги фойе қисми | 185 | 74000000 |
| 9. | «Олой» бозори, асосий бинонинг 1-қавати | 41 | 16402142 |
| 10. | «Олой» бозори, асосий бинонинг 1-қавати | 39 | 15600991 |
| 11. | «Олой» бозори, асосий бинонинг 1-қавати | 39 | 15602040 |
| 12. | «Олой» бозори, асосий бинонинг 1-қавати | 38 | 15222882 |
| 13. | С. Раҳимов тумани, Қорақамиш, 1/4 мавзеси, 26-уйининг бир қисми | 32 | 832573 |
| 14. | Чилонзор тумани, 4-мавзе, 12-уйнинг бир қисми | 84 | 2939110 |

Биржа савдолари ҳафтанинг ҳар иш кунида бўлиб ўтади.

Биржа савдосида қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан боғлиқ
барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:
Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уй, 402-хона. Телефонлар: 133-20-74, 132-25-51.



«ПАРВИНА»
КОМПАНИЯСИ

юқори сифатли ер ёнғоқли
ва ер ёнғоқсиз, Россия технологияси
асосида тайёрланган
«ПАРВИНА» ШОКОЛАДИНИ
жуда арзон нархларда таклиф этади.

30 гр. — 85 сўмдан
75 гр. — 220 сўмдан
80 гр. — 220 сўмдан
100 гр. — 300 сўмдан

Тўлов шакли — турлича.

Бизнинг манзил: Самарқанд шаҳри,
Фирдавсий кўчаси, 6-уй.
Телефонлар: (3662) 33-77-83, 31-07-01.

6433-1/2178

«PARVINA UNIPACK»
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ

Турли хил озиқ-овқатлар,
тиббиёт воситалари, тўкилувчи қурилиш
маҳсулотлари учун универсал
ўраш материаллари ишлаб чиқариши
бошланганини маълум қилади.

Оригинал дизайн, бадиий
безаш — сизнинг буюртмангизга кўра.
Турли шакл ва кўринишдаги ташриф
қоғозлари, этикеткалар, ёрлиқлар,
гулқоғозлар тайёрлаб берилади.

ҚИСҚА МУДДАТЛАР ВА АРЗОН НАРХЛАР

Бизнинг манзил: Самарқанд ш., Бедил к., 17-уй
(мўлжал: «Шинасозлаш» заводи).
Телефонлар: (3662) 22-12-65, 33-48-03.

6433-2/2178

«MAKSIMA» мебель салони

Италия, Испания, Польшадан келтирилган мебеллар, ёритгичлар, қандиллар, расмлар ва кўрпа-ёстиқ анжомларини таклиф этади.

«MAKSIMA» АРТ-дизайн студияси

хонадонингиз, ҳовлингиз дизайнини якка тартибда ишлаб беради.
КАТАЛОГ бўйича буюртмангиз етказиб берилади.

Ўзбекистон бўйича етказиб ва йиғиб бериш — БЕПУЛ.

Тушликсиз ва дам олиш кунисиз ишлаймиз.






Манзилимиз:
Д. Кўнаев
(с. Саперная)
кўчаси, 46-уй.
(мўлжал — Миробод бозори)
Телефонлар: 111-14-44,
152-75-94.
E-mail: maxima@online.ru

6464/1950


Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий тадқиқот институти жамоаси иқтисод лабораторияси мудири, иқтисод фанлари номзоди

**Акбар БОҚИЕВ**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент архитектура қурилиш институти ректорати ва жамоат ташкилотлари «Қурилиш материаллари ва гидравлика» кафедраси доценти Н. Рустамбековга отаси

**НОСИРБЕК ака**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


«Халқ сўзи»
«Народное слово»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши
ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92*
*Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60;*
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89;*
*Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм — 132-12-08;*
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 977,
27225 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва А. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — Ф. САНАЕВ.
Навбатчи — Б. ОСТОНАҚУЛОВ.
Мусаҳҳиҳ — М. СУЛАЙМОНОВА.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[t] — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00.*
*Топширилди — 23. 30.*
1 2 3 4 5 6